



«НАУАИ – ЗАМАН МЕН ХАЛЫҚТАРДЫ БІРІКТІРГЕН ҰЛЫ ТҰЛҒА
ТАҚЫРЫБЫНДАҒЫ ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТӘЖІРИБЕЛІК ФОРУМ»


«НАВОИЙ – ЗАМОН ВА ХАЛҚДАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БУЮК ДАХИ
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ФОРУМ»



МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ФОРУМ
«НАВОИ – ВЕЛИКИЙ МЫСЛИТЕЛЬ, ОБЪЕДИНИВШИЙ ВРЕМЕНА И НАРОДЫ»


INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL FORUM
«NAVOI IS A GREAT PHILOSOPHER WHO CONSOLIDATED
ERAS AND PEOPLES»

www.okmp.kz



ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ БІЛІМ ЖӘНЕ ҒЫЛЫМ МИНИСТРЛІГІ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF EDUCATION AND SCIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN

ОҢТҮСТІК ҚАЗАҚСТАН МЕМЛЕКЕТТІК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ УНИВЕРСИТЕТІ
ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЮЖНО-КАЗАХСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ
SOUTH KAZAKHSTAN STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY



«НАУАИ – ЗАМАН МЕН ХАЛЫҚТАРДЫ БІРІКТІРГЕН ҰЛЫ ТҰЛҒА»
ТАҚЫРЫБЫНДАҒЫ ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТӘЖІРИБЕЛІК
ФОРУМЫНЫҢ МАТЕРИАЛДАРЫ

«НАВОИЙ – ЗАМОН ВА ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БУЮК ДАХО»
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ФОРУМ МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОГО НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОГО ФОРУМА
«НАВОИ – ВЕЛИКИЙ МЫСЛИТЕЛЬ, ОБЪЕДИНИВШИЙ ВРЕМЕНА И
НАРОДЫ»

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL FORUM
«NAVOI IS A GREAT PHILOSOPHER WHO CONSOLIDATED ERAS AND
PEOPLES»

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ГА КИРМАГАН ҒАЗАЛЛАРНИНГ
МАВЗУ КЎЛАМИ ВА БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 41. *Қодирова Дилфузахон Ҳалимовна* 232
НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАҚДУРУР
- 42. *Адилова Нилуфар Истамовна*
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЮКСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР
- 43. *Tavaldiyeva Gulbaxar Nishanovna*
ALISHER NAVOIY IJODIDA XALQLAR DO‘STLIGI G‘OYASINING
BADIY IFODASI
- 44. *Сулаймонов Мўминжон Юсуфжонович, Рустамова Лобархон*
Ибрагимовна, АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ОИЛАГА МУНОСАБАТИ
- 45. *Нодирабегим Ҳамзаевна Ҳамраева, МИР АЛИШЕР НАВОИЙ* 245
ФЕНОМЕНИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ
- 46. *Шамадиева Рихси Ансаматовна, НАВОИЙ АСАРЛАРИ МАЪНАВИЙ* 248
ПОКЛИККА ЧОРЛАЙДИ
- 47. *Нурова Гульмира Мамуржановна, Абдурашидова Нилуфар* 253
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ – МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ
- 48. *Пирметова Шарифа Султановна* 258
БАДИИЙ ИСТЕЪДОДНИНГ ТЕНГСИЗ НАМУНАСИ
- 49. *Юлдашева Феруза Абамуслимовна, АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ ВА*
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИ
- 50. *Эшанкулова Маишхура Азатбаевна*
МАНГУ БАРҲАЁТ САТРЛАР
- 51. *Ҳакимова Гульнара Незарматовна*
НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ—МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ
- 52. *Мараева Шахла Абдикаимовна, Джумабаева Мухтарам,*
НАВОИЙ МЕРОСИ – МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ
- 53. *Нигора Сулайманова, ОТА-ОНА ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР НАВОИЙ* 283
АСАРЛАРИ ТАЛҚИНИДА

АЛИШЕР НАУАИЙНИНГ АЛЕМДИК АДЕБИЕТТЕГИ ОРНЫ,
АҚЫННИНГ ШЫҒАРМАЛАРЫН ШЕТЕЛ ТИЛИНЕ АУДАРУ
МЎСЕЛЕЛЕРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН АДАБИЁТИДАГИ
ЎРНИ, ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА
КИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

- 54. *Турсынбаев Абай Закирович, Шаханова Бахыткуль Ширинхаровна,*
Макулбекова Айжамал Ерлановна
ОНИ ЖРЕЦЫ ЕДИНЫХ МУЗ: А.С.ПУШКИН И А.НАВОИ
- 55. *Каримов Ҳалимжон Ўрипович,*
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЙ ВА МАСТЛИК РАМЗИ
- 56. *Суюнов Мавлонберди Раҳмонович,* 298
ТАТАББУНАВИСЛИК ВА ҲОФИЗГА ТАТАББУЛАР
- 57. *Киличева Феруза Бешимовна,* 303
АЛИШЕР НАВОИ - ВЕЛИКИЙ ПОЭТ И МЫСЛИТЕЛЬ
- 58. *Ҳамдамова Ханифахон Шуқуриллаевна,* 307
ЭЙ ИШҚ, ҒАРИБ КИМЁСЕН...
- 59. *Давлатов Олимжон Давлатович, АЛИШЕР НАВОИЙ* 310
ДОСТОНЛАРИДА ҲАДИС МАЗМУНИ АСОСИДА ҲИКОЯТ
ЯРАТИШ УСУЛИ (“Лисон ут-тайр” достони мисолида)

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЮКСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР

Адилова Нилуфар Истамовна

БухДУ, Филология факультети ўзбек тилшунослиги кафедраси

Тил ва адабиёт бамисли миллатнинг борлигини кўрсатувчи кўзгу. У улут аجدодлардан бизга қадар сақланиб келаётган бебаҳо маънавий хазинасидир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, не-не қудратли давлатлар ўз она тилларини, беқиёс маънавий хазиналарини тарихнинг шафқатсиз “ўйин”ларида бой беришганига гувоҳ бўлиш мумкин. Она тилнинг аждодларнинг бой маънавий меросини асрамоқ миллатни асрамоқ билан тенгдир. Зеро, она тилининг ҳақиқий жозибаси, айниқса, бадиий адабиёт орқали яққол намоён бўлади. Келажак авлодни тилимиз ва адабиётимизнинг ранго-рангсаҳифалари, маъно қирралари билан яқиндан таништириш, уларни асраш, уларда акс етган мавзулар доирасида маънавий баркамоллик гоёларини шакллантириш маънавий юксалишнинг муҳим омилидир.

Ўзбек тили ва адабиёти тараққиётида, айниқса, сўз мулкининг султони, улут аллома, дунё ижод аҳлини хайратга солган иқтидор соҳиби Алишер Навоийнинг ўрни беқиёсдир.

Жаҳон адабиётшунослари томонидан тан олинган кўплаб асарлар ва мақолаларда Алишер Навоий ижодининг бадиий жиҳатлари ва нозик қирралари очиб берилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун буларнинг барчаси буюк шоир асарларини китобхон чуқур билишини, уларга хос бадиий ҳамда умуминсоний жиҳатлар ва нозик қирраларни ўрганиб бориш ёши маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини англаш муҳим талабига айланиб бормокда. Айниқса, “Хайрат ул-аброр”нинг моҳияти, “Фарҳод ва Ширин” сирлари, “Ишқ водийсининг чечаклари”, “Садди Искандарий”нинг гўзаллигини очишга бағишланган китобларининг ҳар бири “Хамса”га кирган дostonларнинг илмий таҳлили, жонли ва қизиқарли талқини билан танишишга ёрдам беради. Шоир асарларини мутолаа қилар эканмиз, унда тасвирланмаган, акс этмаган бирон-бир ҳаётий масала қолмаганини англаб етамиз. “Хамса” дostonларини қайта синчиклаб ўқиб ўрганиб чиққанимизда ҳар бир дostonдаги муаллиф ижодий ниятини ботиний жиҳатларини илғаймиз. Ўз “Хамса”сини туркий тилда яратган Алишер Навоий анъанавий шакл доирасида янги фикрлар айта олган. Шунинг тариқа Навоий “Хамса”си умумжаҳон адабиётининг юксак чўққиси бўлиб қолди. У аждодларимиз маънавиятининг ўзига хос кўзгуси сифатида ўтмиш тарихимиз саҳифаларини, ижтимоий турмушимиз, халқимиз ҳаёт тарзи, урф-одатларимиз тасвирини, диний-ахлоқий қарашларимизни акс эттира олди.

Навоий “Хамса”си бир-бири билан ич-ичидан мустақкам боғланган бешта дostonни қамраб олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда ўз даврининг барча долзарб муаммо ва масалаларини қаламга олишга интиланган. Уларда айниқса, меҳнатсеварлик, юксак ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, муносабатлари, инсонпарварлик ғоялари, дўстга садоқат, жасорат, қайғу туйғуларнинг гўзал ўз ифодасини топган. Шунинг баробарида ўз ҳаёти билан боғлиқ айрим ҳодисаларни асарлари мазмунига сингдириб юборган. Мажнун йўлиққан ишқ даштининг дарду балолари аслида шоирнинг ўзи бошидан кечирган севги туғёнларининг инъикосидир. Бу ҳислар Навоийнинг кўнгилгата таниш, унинг ўзи турмушда бошидан кечирган ишқ туйғуларига қардош кечинмалардир. Бу туйғунинг қанчалар машаққатли, унинг андухи, малоли нақадар оғир эканини бошидан кечирмаган одам ишонарли тасвирлай олмайди. Зотан, Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли-таржимаи ҳоли унинг ишқий кечинмаларига далил бўлолмас, бироқ унинг “Хазойин-ул маоний” асаридаги лирик қаҳрамон тақдирида, мураккаб руҳий кечинмасида, асарлари қат-қатига сингдирилган орзу-умидларида, “Хамса” даги Фарҳод ва Ширинлар, Лайли ва Мажнунлар, Баҳром ва Дилоромлар тақдирида, уларнинг севги қиссалари замирида Навоийнинг шахсий кечинмалари, севги изтироблари, дарду аламлари ўз аксини топганини асло инкор этиб бўлмайди. Зеро, шоир ўзи олов тафтида куйиб-ёнгани учун у яратган ишқ дostonи табиий зўр таъсир кучига эга чиққан. Шунинг учун Навоий бошқа хамсанавислардан фарқли ўлароқ, ўз дostonига ишқ йўлбошчиси образини киритган. Мурожаат бадий усулидан фойдаланиб, ишқ йўлбошчисининг шоирга мурожаатини келтирган. У шоирни Мажнуннинг севгиси тўғрисидаги қиссадан огоҳ этиб, бу қиссани шеър билан қайта ҳикоя қилмоққа ундайди. “Хамса” дostonларида шоирнинг дард, касаллик, беморлик ҳолати, уни тuzатишга чорланган табиблар образи тасвири ва талқинига алоҳида ўрин ажратганига айрича эътибор қаратади. Негаки, асосида инсон муаммолари талқини ётган бу улкан қомусий асар одам саломатлиги унинг ҳаёти гўзаллигини қафолатлаши ҳам ёритилган. Нотоблик инсонни умидсизлантиради. Чунки Алишер Навоий “айни ифлос фалокат ва сарнавиш ва ранжуриш Машҳад сари тортиб элтгани”да мафосия (бўғин сирқираши) касалига йўлиқиб, ётиб қолади ва бироз умидсизланади. Бунда у бир мадраса ҳужрасига жойлашган эди. Камол Турбатийга ўхшаган дўстлари кўмагида яна у оёққа туриб кетади.

Хасталик, дард инсон гўзаллигига путур етказди. Шу ҳақиқатни айтиш учун Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonида Лайлининг, “Сабъаи сайёр” дostonида Баҳромнинг нотоб шароитдаги ҳолати ва кўриниши тасвирига алоҳида ўрин ажратади. Бунда шоир лирик чекиниш усулидан фойдаланиб ҳар қандай гўзаллик беморлик ҳолатида путур топишини кўрсатиб беради.

Айниқса, беморлик ҳолатининг гулдай нозик аёллар танасида янада оғирроқ кечишини Лайли жисми мисолида талқин қилар экан, қизниинг хуш исли, оқ сарғиш тусли гул (жасмин) сингари жисмини иситма оташи гулга ўхшатиб кўйганлигини, бу гулдан таралган тер қиз ётган уйни гулобхонага айлантирганини, иситма ўти бу нафис пардаларга ўралган гунчада зарра-зарра тоб пайдо этмоқдалигини айтиб ўтади.

Навоий беморнинг соғайиш жараёнини унинг мижози билан боғлайди. Навоий уқтирадики, агар беморнинг табиати мададкор бўлса, ҳасадчи осмоннинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Лайли ҳам ўз мижозининг муруввати туфайли хасталикни енгиб, шифо топади.

“Хамса”да табиб ва табиблар образи ҳам ўзига хос ўринга эга. Аммо шу ҳолларда шоир уларнинг даво учун қилган иложи беморнинг дардини оширади, оширар, лекин камайтира олмаслигини таъкидлайди. Бу билан шоир ўз давр табибиётининг ҳолатидан огоҳ этган, дейиш мумкин. Навоий Мажнун ва Баҳромнинг дардли ҳолати тасвирларини беришда табиб образини сюжетга киритиш орқали ўз асарининг реаллигини таъминлашга интилган. Шу маънода шоир бу жараёнда табибнинг кўрган чораларини бирма-бир санаб ўтади. Бу эса, айти пайтда, ўқувчида Навоий яшаган замондаги табибларнинг даволаш усуллари тўғрисида тасаввур пайдо қилади. Яна Навоийнинг кундалик ҳаёт кўринишларини аниқ тасвирлаганидан далолат беради. Навоий инсон сифатида аёллардаги чин одамийлик ва аёллик хислатларини улуғловчи шахс ва ижодкор бўлган. Унинг бу хислати “Хамса” асарида Ширин, Меҳинбону, Лайли, Меҳр, Дилором, Меҳрнос ва бошқа аёл-қизлар образини ҳурмат билан тасвирлаганида, уларнинг бениҳоя гўзаллиги ва ўз латофатини қадр-қимматини билиши ҳамда азиз тутиши, аёллик ғурурини маҳкам ушлашини илҳомли ифодаларда куйлаганида ёрқин намоён бўлади.

Навоийнинг ўта инсонпарварлиги, унинг одам фарзандига беҳад мухаббати, инсонни улуғлаши яратган кўпгина мисраларида бениҳоя юксак ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий “Хамса”сидаги деярли барча дostonларида ўз замонаси, ўша даврдаги ижтимоий воқелик билан боғлиқ қатор масалаларни ёритган, уларга ўз ҳолати ва мавқеи, дунёқарашидан келиб чиқиб муносабатини билдирган, даврининг муҳим ва ҳал қилиниши зарур бўлган саволларига жавоб беришга уринган. У инсон характерининг муҳим белгилари олийҳимматлилиқ, мол-дунё учун ўз қадрини ерга урмаслиқ, вафодорлик, оддий ҳаёт кечириш усули ва бошқа кўп инсонни улуғловчи сифатларни зўр бериб ташвиқ этган. Шоир айрим ўринларда шоҳлар, султонлар фаолиятига оид фикрларни изҳор қилиб, ҳукмронларни одиллик, халқпарварликка, инсофга, тўғрилиқка даъват қилган ва юксак инсоний

www.okm.ru

фазилатларни мадҳ этган. “Хамса”даги бутун дostonлар шоир қалбини очиш, фикр-кечинмаларини ифода қилиши учун восита бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Karimov I.A. “Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch”. Toshkent-2008.
2. Алишер Навоий. ” Хамса”. ”Янги аср авлоди”. Тошкент-2019.
3. Алишер Навоий. ” Хамса” дostonлари. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбуот ижодий уйи. Тошкент-2006.
4. Алишер Навоий. ”Насойимул-мухаббат”. ”Ўзбекистон.”Тошкент-2018.
5. Мамажонов Салоҳиддин. Ранглар ва оҳанглар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1978.
6. Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. Ишк водийси чечаклари. “Лайли ва Мажнун”. Етти саёҳатчи. “Садди Искандарий”. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.18.

ALISHER NAVOIY IJODIDA XALQLAR DO'STLIGI G'OYASINING BADIY IFODASI

Tavaldiyeva Gulbaxar Nishanovna
Toshkent kimyo-texnologiya institute
O'zbek tili va adabiyoti kafedrasi mudiri

Buyuk o'zbek shoiri Alisher Navoiyning serqirra ijodida xalqlar, millatlar o'rtasidagi do'stlik va hamkorlik mavzusi asosiy o'rinlardan birini egallaydi. Shoir asarlarida umuminsoniyatga murojaat etib, ularni bir-biriga ko'makdosh, yelkadosh hamkor va do'st bo'lishga chaqiradi:

*Olam ahli bilingizkim, ish emas dushmanlig',
Yor o'lung bir-biringizgakim erur yorlig' ish.*

Alisher Navoiy turli xalq va millat vakillarini samimiyat bilan sevadi, ularni hurmat qiladi. Uning barcha asarlarida turli xalq vakillari obraziga duch kelamiz. U do'stlik, birodarlik g'oyalari jo'shqin ifoda etilganligini kuzatamiz.

*Ko'ngulni olsa malohat bila tafovut yo'q,
Xitoy o'lsinu yo armani va yo hindu...*

Men tilab husn, vale shoh tilab aslu nasab

Menga lo'li bila hindu, anga qo'ng'irotu qiyot, – kabi otashin
misralarda shoir xalqlarni bir-biriga yaqinlashtiradi, teng qo'yadi hamda insonni irqi, elati, e'tiqodiga qarab, unga turlicha munosabatda bo'lish kabi yomon illatlarga qarshi fikrini ifoda etadi. Bu bilan bugun dunyoning turli nuqtalarida ba'zi xalqlar, davlatlar va millatlar orasida bo'layotgan turli mojarolar, birodarkushlik